
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари муаммолари ўрганилди

Данғара туманида Давлатимиз Рахбари раислигида “Тармоқ ва ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этишга қаратилган устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таминлаш чоралари кўрилмоқда.

Данғара тумани ҳокими туман ҳокимлигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини муаммоларини ўрганиш бўйича ташкил этилган штаб аъзолари билан учрашиб, ишлаб чиқариш хажми пасайган корхоналарнинг муаммоларини ўрганиш бўйича вазифалар белгилаб берди.

Шунингдек, туман ҳокими бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан тумандаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, мавжуд муаммолар ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида тадбиркорларга қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларнинг самаралари юзасидан тушунчалар бериб ўтилди.

2023-09-13 11:56:22